



"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
Қарши давлат университети  
ректори Д.Х.Набиев

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Қарши шаҳри 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1.Танлов иштирокчилари учун йуриқнома.

2.Техник қисм.

3.Нархлар қисми.

Танлов иштирокчиси учун йуриқнома.

1 .Тайлов предмети ва тахминий қиймати

1.1. Танлов предмети: Қарши далаат университетига хаво совутиш мосламалари (Кондиционер) харид қилиш.

1.2 Харид қилинадиган кондиционер сони ва бошлангич нархи: 4 дона нархи 49500000 (Қирк тўққиз миллион беш юз минг)сўмдан жами 198000000(Бир юз тўқсон саккиз миллион) сўм

№	Асосий маълумотлар
1	Қарши далаат университетига 2022-2023 ўқув йили тест синовларида абутуриентлар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида хаво совутиш мосламалари (кондиционер) харид қилиш янги ва сифатли булиши шарт Характеристка техник топширикда илова қилинди,

1.3 Танловнинг йуқори қиймати 100 лик кондиционер 4 дона нархи 49500000 (Қирк тўққиз миллион беш юз минг)сўмдан жами 198000000(Бир юз тўқсон саккиз миллион) сўм.

1.4 Махсулот буйича техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган, Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график буйича.

1.6 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.Танлов ташкилотчилари

2.1 Қарши давлат университети (бундам кейин-"Буюртмачи" деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили Қарши шаҳар кучабоғ кучаси 17 -уй

2.2 Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади.

## 3.Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар товар етказиб берувчилар барча юридик, мақомга ега булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:



Танлав айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк кафолотномаси, иш(хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.

Шартнома тузиш юзасидан фуқоролик муомола ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар: Танлов объектга ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги,

Иловада курсатилган молиявий курсаткичларни тақдим этиш. Низом маблағи миқдори.

3,4 Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди,

Қайта ташкил этилиши (ажратилиш, қушилиши) тугатиш банкротлик арафасида турганлар, мол- мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавмудлар.

#### 4. Танлонда иштирок этиш учун тақлифларни тақдим этиш

4.1 Танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм, "буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак.

Нархлар қисми, танлов шартларида, белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа *боғлиқ* курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.2 Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ, булиши талаб этилади;

Техник ва нарх буйича куйидаги тақлифлар;

Техник ҳужжатлар руйхати ( солиқдан қарзи йўқлиги туғрисида маълумотнома, малака талаби техник ресурслари мавжудлиги ҳақида ҳужжатлар руйхати илова қилинади).

#### 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 Давлат харидлари туғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир,

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилиги жавобгардир, Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### 6. Бошқа шартлар

6.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартириш киритиш туғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли, Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш туғрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

6.3 Тақлифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан



этиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида суров юборишга ҳақли- Давлат буюртмачиси бундан суров келиб тушган санадан этиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.






**Қарши Давлат Университети**  
**Иқтисод ишлари бўйича**  
**Проректор :**

**Бош ҳисобчи:**

**Университет қасаба уюшмаси раиси**

**Ҳуқуқшунос :**

**Ҳисобчи:**

**Б.Бойсунов**  
**А.Шодиев**  
**А.Норов**  
**Э.Суяров**  
**С.Юлдашев**

